



Ўзбек расмийлари ўтган ҳафта Самарқандга ташриф буюрган Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон билан музокаралар чоғида Туркиядаги ўзбек муҳолифати раҳбари Муҳаммад Солиҳни мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилишган.

Бу ҳақда Бош вазир ва Президент вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев пайшанба куни Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашув чоғида маълум қилган.

Учрашув иштирокчиларидан бирининг Би-би-сига айтишича, жаноб Мирзиёев Муҳаммад Солиҳнинг чиқариб юборилиши



ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯДАН МУҲАММАД СОЛИҲНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛГАН

Туркиянинг Ўзбекистонга дўстлигининг "амалдаги исботи" бўлишини айтган.

Туркия тарафининг бу борада ўзбек томонига бирон ваъда берган-бермагани маълум эмас.

Президент Эрдуғоннинг матбуот хизмати вакили Би-би-сига музокаралар тафсилотларидан хабари йўқлигини айтди.

Ўтган жума Эрдуғоннинг Самарқандга ташрифи чоғида икки томон ўзаро алоқаларда "янги саҳифа" очишга келишганлар.

Туркия Ташқи ишлар вазири Мавлут Човушўғли Ўзбекистон Туркия фуқароларига визани бекор қилиши мумкинлигини айтган.

Айни манбанинг Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтиришича, Туркия томони Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ташкил этилиши режаланаётган эркин иқтисодий ҳудудга сармоя киритиш истагини билдирган.

"Меҳмон"

Жаноб Мирзиёев ўзбек томонининг Муҳаммад Солиҳ билан боғлиқ расмий сўрови тафсилотларини очикламаган.

Туркияда вақтинча яшаётган муҳолифат раҳбарини қандай асосда чиқариб юбориш талаб этилгани, бу борадаги ҳуқуқий

жараённинг бошланган ёки бошланмагани маълум эмас.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзи Би-би-си билан суҳбатда ўзбек томонининг сўнгги талабидан хабари йўқлигини айтди.

Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, Туркия расмийлари ҳозирга қадар уни бу каби талабдан хабардор қилишмаган.

Аммо у агар Туркия ўзбек томонининг талабини бажариш сари қадамлар кўядиган бўлса, "ҳеч иккиланмай, Туркиядан чиқиб кетишга тайёрлиги"ни айтди.

"Мен хур одамман. Бу ерда меҳмонман, Эрдуғон-меҳмон. Шунча пайт бизга бошпана бергани учун раҳмат. Туркияда қолдиринг, деб ёлворадиган ҳолим йўқ", - деб айтди Муҳаммад Солиҳ.

1993 йилдан буён муҳожиротда яшаётган Муҳаммад Солиҳ бундан аввал тўрт марта Туркияни тарк этишга мажбур бўлган.

Ўзининг сўзларига кўра, сўнгги бор 1999 йил апрелида турк расмийлари ундан "Ўзбекистон билан муносабатларга салбий таъсир қилаётгани" важдан Туркиядан чиқиб кетишини сўрашган.

У 1998 йилда Норвегиядан сиёсий бошпана олган.

Аммо 2005 йил августида

АҚШ Конгресси кўмитасидаги чиқиши ортидан Туркия Муҳаммад Солиҳнинг қайтишига изн берганди.

Британияда чоп этиладиган "Экономист" журнали Туркия ҳукуматининг ушбу қарори ҳақида "Туркия Муҳаммад Солиҳга эшикларини очмоқда" деб ёзган.

Бунинг ортидан Ўзбекистондаги турк бизнесига рейдлар бошланиб кетган ва турк сериалларининг намоиши тақиқланган эди.

"Сиёсий айблар"

Мархум президент Ислом Каримов Муҳаммад Солиҳ ва ўзбек муҳолифатининг Туркияда бўлишини ўзбек-турк алоқаларининг ривожланиши йўлида асосий тўсиқ деб кўргани ишонилади.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзи ҳар икки томон расмийларида шаклланган бу каби қарашни рад этади.

"Бу бир баҳона. Мен 1999 йилдан 2005 йилгача, 6 йил давомида Туркияда бўлганим йўқ, аммо муносабатлар ҳечам яхшиланмади. Ўзбекистон ҳукумати Туркиянинг ўзбекларга очилишидан, Туркиядаги демократиядан кўрқади. Туркия очилса, бу ердаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

хурриятнинг Ўзбекистонга ҳам кириб боришидан кўрқади", - дейди Муҳаммад Солиҳ.

Шу ой бошида Муҳаммад Солиҳ раҳбари бўлган Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Истанбулда ўтиши режаланган навбатдан ташқари қурултойи Туркияда амал қилаётган фавқулодда ҳолат боис қолдирилган.

Ўзбекистон маҳкамаси Муҳаммад Солиҳни 1999 йил февридаги Тошкент портлашларида айблаб, 2000 йилда сиртдан 15 йилга маҳкум этган.

Халқаро инсон ҳақлари ташкилотлари муҳолифат раҳбарига қарши айблар ортида сиёсий вазлар турганини айтишади.

2001 йилда Прага маҳкамаси ўзбек ҳуқуқ-тартибот идораларининг Муҳаммад Солиҳни топшириш ҳақидаги сўровини рад

этган.

Туркиянинг 1999 йилда Тошкент портлашларининг асосий гувоҳларидан бўлган Зайниддин Асқаровни Ўзбекистонга топшириш қарори халқаро танкидларга сабаб бўлган.

Зайниддин Асқаров 2003 йилда Тошкентдаги қамоқхонада Би-би-сига берган интервьюсида Муҳаммад Солиҳнинг портлашларга алоқаси йўқлиги, тергов ва маҳкамада ёлғон гувоҳлик беришга мажбурланганини айтган эди.

2011 йилда қамоқхонада вафот этган Зайниддин Асқаровнинг қийноқлар натижасида ҳаётдан кўз юмгани иддао қилинган.

Оврўпо Инсон Ҳақлари Маҳкамаси Туркиянинг Асқаровни Ўзбекистонга топшириш қарорини ноқонуний деб топган.

"Ҳокимлар сайланиши мумкин"

Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда иштирок

этган манбанинг билдиришича, жаноб Мирзиёев шунингдек, келажакда маҳаллий ҳокимларнинг халқ томонидан сайланиши мумкинлигига ишора қилган.

У шунингдек, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган таклиф ва шикоятлар сони 170 мингдан ошиб кетганини маълум қилган.

Унинг сўзларига кўра, бу шикоятларнинг 78 фоизи асосли ва ўз тасдиғини топган.

Жаноб Мирзиёев одамлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятидан норози эканини таъкидлаган.

Аммо ҳукумат порталида чоп этилган расмий хабарда Мирзиёевнинг Туркия Президенти билан музокараларига доир тафсилотлар ва маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятига оид танкидларига ўрин берилмаган.

Манба: bbc.com/uzbek



яқинлари бошдан ўтказётган ҳолатларнинг бир қисми холос.

Владивостокдан Мисрға қочган ўзбек йигити

Бугунги кунда Мисрда яшаётган 33 яшар Шавкат (шартли исм-таҳр.) Озодлик билан суҳбатда ўзбек махсус хизматлари таъқибидан қочиб, 4 йил аввал Қоҳирага яширинганини айтди:

"Мен Владивостокда 12 йил яшадим. 2012 йилда мен ва укамга Ўзбекистон қидирув эълон қилди. Укам намоз ўқимасди. Уни Россияда ушлаб кетишди. Кейин Ўзбекистонга бериб юборишган.

Ўзбекистондан ташқарида узоқ муддат юрсангиз, "қора рўйхат"га тушишингиз мумкин

Озодлик ўтказган суриштируви орқали бугунги кунда Ўзбекистонда диний экстремизм айблови билан қидирувга берилганлар сони камида 40000 атрофида бўлиши мумкинлиги аниқланди.

МХХ ва ИИБ томонидан тузилган "Қидирувдагилар рўйхат"идан хорижда узоқ вақтдан бери ўқиётган ва ишлаётганлар хавотирга тушмоқда. Суриштирув натижасида мазкур рўйхатга Сурия ва Ироққа жиҳодга қетганлардан ташқари узоқ вақт Ўзбекистонга қайтмаганлар ҳам киритилгани аниқланди.

Қидирувдагилар таъкидича, бу

рўйхатга тушган одам ушланган тақдирда қамалиши аниқ бўлиб, ҳеч қандай кўринишдаги авф унга қўлланмаслиги мумкин. Шахс ўзининг ушбу рўйхатга қўшилганидан мутлақо беҳабар бўлиши, йиллар ўтиб Ўзбекистонга қайтган пайти ушланиши мумкин.

МХХ қидирувдагиларнинг қариндошларини хабардор қилган ҳолатда эса босим ва таҳдидлар бошланиши айтилаётди. "Қора ниқоблилар" рейдлари, тергов бўлимларига саноксиз чакирувлар, милиция бўлимларига ҳисоб беришлар - қидирувга берилганларнинг Ўзбекистондаги

Укам диндор бўлмаса ҳам уни диний айблов билан 9 йилга қамашди. Танишларимдан яна икки болани олиб кетиб, қамашди. Кейин мен оилам билан Мисрға қочиб келдим", дейди суҳбатдош.

Биз Шавкатни ҳуқуқ-тартибот идораларидаги манба томонидан Озодликка тақдим қилинган махсус ҳужжат ёрдамида топдик. Ушбу ҳужжатда Шавкат ва унинг 29 ҳамқишлоғи диний экстремизм айблови билан халқаро қидирувга берилгани қайд қилинган.

25 минг одам яшайдиган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шавкатнинг кишлоғи номини очикламаймиз. Шунингдек, қўлимиздаги ҳужжатда қайд этилган шахсларнинг исм-фамилияларини ҳам ошкор қилмасликка қарор қилдик. Боиси жами 30 киши номи тиркалган бу ҳужжатнинг яна ўнлаб одам тақдирига бевосита ва билвосита дахлдорлиги маълум бўлди.

Ҳужжат - “Қидирувда юрган ДЭО (диний экстремистик оқим- таҳр.)аъзоларини яқин қариндошларининг уяли телефон рақамлари рўйхати” деб номланган.

Кейинги икки йил давомида Ўзбекистонда ўтаётган ИШИД билан боғлиқ ўнлаб маҳкамалар фонидида ушбу ҳужжат илк қарашда “Сурия ва Ироққа қочган ўзбек ишидчилари” рўйхати бўлса керак, деган фикрни уйғотади.

Бироқ ушбу рўйхатдагилардан бири бўлган Шавкат ўзбек махсус хизматлари томонидан унга қўйилган диний экстремизм айбловини мутлақо инкор қилади:

“Мен намозхонман. Лекин ҳеч қандай оқимга аралашмаганман. Аслида диннинг ўз йўли бор. Шу йўлдан чиқсангиз адашасиз. ИШИДнинг ҳозир қилаётган ишларини қоралайман. Бу динга тўғри келадиган иш эмас. Жиходга қўшилишни эса ҳеч қачон ўйламаганман. 4 йилдан бери у ёқдан, бу ёққа қочиб юрибмиз. Ягона орзуим шу дарбадарлик ниҳоясига етиб, эркин яшасам. Болаларим тарбияси билан шуғуллансам. Укам қамокдан чиқса бўлди, менга бошқа нарса керак эмас”, дейди 4 йил аввал диний экстремизм айблови билан қидирувга берилган Шавкат.

Оилавий қидирувга берилганлар ҳам бор

Шавкат билан суҳбатдан кейин ҳужжатдаги бошқа шахслар ва уларнинг яқинлари билан ҳам боғланиб, асл манзарани ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ҳужжатда 30 кишининг қариндошларига тегишли жами 53 та телефон рақами ёзилган бўлиб, Озодлик уларнинг барчасига бирма-бир сим қоқиб, рўйхатдаги 17 кишининг яқинлари билан суҳбатлашишга муваффақ бўлди.

Суҳбатлардан маълум бўлишича, Шавкатдан ташқари қидирувга берилган унинг беш ҳамқишлоғи ҳам Мисрда яшайпти. Бугунги кунда қидирувдаги яна унинг

етти ҳамқишлоғи Туркияда, бир маҳалладоши эса Норвегияда экан. Уч ҳамқишлоғининг эса қардалиги номаълум.

Шавкатнинг қидирувдаги ҳамқишлоқларидан тўрт нафари аёл, қолганлари эса эркаклар бўлиб, уларнинг ёши 26дан 46 ёшгача.

Телефон мулоқотларимиз орқали рўйхатдагилар орасида оилавий қидирувга берилганлар борлиги ҳам маълум бўлди: учта оиладан эр-хотин, икки оиладан учтадан ака-ука, яна битта оиладан икки ака-ука “диний экстремистик оқим аъзоси” сифатида қидирувга берилган.

Рўйхатдагиларнинг қариндошлари ўз яқинлари энг узоғи билан 8 йил аввал, энг яқини эса 1 йил аввал қидирувга берилганини айтишди.

Владивостокдаги “ўзбеклар ови”

Шавкатдан ташқари яна унинг етти ҳамқишлоғи Россиянинг Владивосток шаҳрига ишлашга кетган пайти қидирувга берилгани маълум бўлди. Улардан тўрт нафари қидирув эълон қилинганидан сўнг Туркияга қочиб ўтган. Уч нафарининг эса қардалиги яқинларига маълум эмас.

Шавкат бошқа маҳалладошлари каби Владивостокка пул ишлаш мақсадида борганини айтади. Мактабни тугатгач, шифокор бўлиш орзусида Тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширган Шавкат контракт асосида ўқишга кириди, бироқ тўлаш учун пул йўқлиги сабаб Россияда мардикорлик ортидан “бир-икки сўм” ишлаб, кейин ўқишни давом эттиришни режалаштиради.

“Россияга келиб қурилиш соҳасини мунтазам ўзлаштирдим. Шифокор бўлиш орзуимдан ҳам кечиб юбордим. Ўша ерда россиялик рус қизи билан танишиб турмуш қурдим. Фарзандларим бор”, дейди Шавкат.

Унинг айтишича, ҳаёти бир маромда кетаётган пайти, етти йилча аввал Владивостокда ишлаётган ўзбекистонликларни “овлаш” бошланган ва рус махсус хизматлари ёрдамида кўплаб ўзбеклар қамокқа тиқилган:

“Владивостокда ишлаётган андижонлик ўзбеклар қандайдир оқимга аралашган. Ҳақиқатда ўша оқим билан бирга ишлашган. Улар Ўзбекистонга борган пайти ўша оқимга доир маълумот чиққан сумқасидан. Улар “Биз давлат тўнтариши қилмоқчи эдик” деб бўйнига олишган.

Шундан кейин аввал водийлик ҳамма болаларни саралаш бошланди. Улар бошқаларга қарши гувоҳлик берган. Шу билан бошқа вилоятларни ҳам саралашга ўтишди. Владивостокда ишлаётган кўплаб ўзбекистонликларни Россия ушлаб бериб юборди. Кўпчилик Ўзбекистонга борган пайти ушланди. Танишларим орасида қамалиб, уже қамокдан чиққанлари ҳам бор”, дейди 33 яшар суҳбатдош.

Ал-Азхарда ўқиганлар таъқибда

Ўша воқеалардан сўнг Шавкат Мисрдан паноҳ топади. Унинг қидирувдаги беш ҳамқишлоғи эса Мисрдаги Ал-Азхар университетидида ўқишгани маълум бўлди.

Улардан бири 1977 йилда туғилган йигит бўлиб, у тўрт йил аввал қидирувга берилган. Буни унинг амакиси билан суҳбат давомида билдик:

“Мисрда ўқиб, кейин ўша ерда ишлашга қолди. Тўрт йилча аввал уйдагиларини чақиртириб, унинг қидирувга берилганини айтишди. Мени ҳам терговга чақирди. Терговчилардан “Нимага қидирувга бергансизлар”, деб сўрадим. Улар “Неча йилдан буён Ўзбекистонга келмаган, ҳужжатсиз юргани учун” дейишди. Жияним қидирувга берилганини эшитгач, Мисрдан Туркияга ўтди. Уйига келиш нияти бор, лекин келса, қамалишдан қўрқаяпти”, деди суҳбатдошимиз.

Мисрда ўқиган Шавкатнинг яна уч ҳамқишлоғи эса ҳозир ҳам ўша ерда яшаётганини аниқладик.

Ички ишлар тизимида ишловчи манба Озодлик билан суҳбатда айнан “Араб баҳори”дан кейин диний айблов билан қидирувга берилган ўзбекистонликлар кўпайганини таъкидлади:

“Араб баҳори” деган бало чикқач, Араб мамлакатларига кетган барча ўзбекистонликлар бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ҳақиқатдан ҳам узоқ муддат Ўзбекистонга қайтмаганларга нисбатан қидирув эълон қилиш бўйича қўрсатма бор. Бу хавфсизлик масаласи, ўша одам бирор оқимга қўшилган бўлса, албатта унинг Ўзбекистон ичкарасидаги яқинларини назоратга олганимиз фойда бериши мумкин. Кейинги пайтда Россия ва Туркия жиходга кетувчилар учун транзит ҳудудга айлангани маълум. Шунинг учун ушбу мамлакатлардаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбекистонликларга нисбатан бирор сигнал тушса, улар албатта назоратга олинади", деди исмини ошкор қилмаётганимиз ИИБ ходими.

Кидирувдагилар билан

мххчилар мунтазам мулоқотда

Шавкат ва унинг ҳамқишлоқлари билан суҳбатлардан маълум бўлишича, кидирув рўйхатига киритилганлар ҳақиқатдан ҳам доимий назоратда бўлиб, айрим ҳолатларда МХХ ходимлари хорижга ҳам қўнғироқ қилиб, кидирувдагиларни тергаб туради.


Жумладан, Россиядан Мисрга қочиб ўтган Шавкат ҳам буни тасдиқлади: "МХХ вакили менга чиқиб туради. "Қаердасиз, тинчмисиз, нималар қилаяпсиз?" деб сўрайди. Мен билан ҳар доим мулоқотда. 2 кун аввал ҳам ёзди Ватсап орқали", дейди Шавкат.

Мирзиёев Каримовнинг диний экстремизм бўйича сиёсатини давом эттирмоқчи

Шавкат ва унинг 29 ҳамқишлоғи Ислон Каримов давридаги "диний экстремизмга қарши кураш" сиёсати натижасида кидирувдаги шахсларга айланган. Хуқуқ фаоллари фикрича, Каримовнинг ушбу сиёсати боис аксар бегуноҳ инсонлар диний айблов билан "қурбон" қилинди. Каримов ўлимидан сўнг бу борадаги сиёсат ўзгаришига умид қилаётганлар ҳафсаласини президентликка асосий даъвогар ҳисобланган Шавкат Мирзиёев пир қилди.

Бир пайтнинг ўзида президент вазифасини бажарувчи ва Бош вазир лавозимини эгаллаб турган Шавкат Мирзиёев сайловолди дастурини очиклар экан, диний экстремизмга қарши "кураш" бўйича Каримов сиёсати ўзгаришсиз қолишини таъкидлади:

"Биз муқаддас динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, бизни орқага, ўрта асрлар ҳаётига қайтаришга уринаётган бузғунчи кучларга қарши кескин курашиб келдик ва бундан кейин ҳам қатъий кураш олиб борамиз" дея таъкидлаган Мирзиёев "мамлакат суверенитети ва мустақиллигига раҳна солишга уринадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига қарши кескин зарба беришга қодир" эканлигини урғулади ўтган ойда.



Маски-шоу

Мирзиёевнинг ушбу баёнотидан сўнг Ўзбекистон бўйлаб экстремистик ташкилотларга аъзоликда гумон қилинаётган ва хориждан узок вақт қайтмаганларнинг уйларига "қора ниқоблилар" рейдлари жадаллашди.

Мақоламиз қахрамони Шавкатга кўра, "қора ниқоблилар" тинтуви кидирувдагиларнинг Ўзбекистондаги уйларида мунтазам ўтказиб турилади:

"Неча марта қора маскачилар уйга келиб тинтув қилган. Кўп азоб беришди. Шу азоблардан кейин онам давление бўлиб қолди. 3 марта бошидан операция бўлди. Отам осма укол олапти", дейди Шавкат.

"Қора ниқоблилар" рейдлари ҳақида Шавкатнинг кидирувда бўлган ҳамқишлоқларининг Ўзбекистондаги яқинлари ҳам ҳасрат қилишди. Жумладан, 36 ва 31 ёшдаги икки ўғли кидирувда бўлган 55 яшар онахон ҳам ушбу рейдлардан безгани ҳақида гапирди:

"Милиция, омон келиб текширади. Ҳар байрам олди келиб текширишади. Бир тўда бўлиб келиб, одамни юрагини ёришади. Юзига маска кийгани, киймагани аралаш келади. Маҳалла-қўй олдида шарманда қилишади. Неча марта милицияга чақириб

"ўғлингни топ" деб қийнашди. Отаси бу гап-сўзларни кўтара олмади. Чидай олмаганидан ичкиликка берилиб кетди. Шуни орқасидан касалга чалиниб, бу йил апрелда ўлиб кетди", дейди онахон.

Яна бир суҳбатдошимиз, Шавкатнинг ҳамқишлоғи бўлган, икки йил аввал кидирувга берилган 29 яшар йигитнинг онаси ҳам "қора ниқоблилар"ни ёзғирди:

"Август ойида Мустақиллик байрамидан аввал қора маскачилар яна бостириб келишди. Уйни тинтув қилишди. Шу тўполонлари натижасида давление бўлиб қолганман. Сахар(диабет- қанд касаллиги- таҳр) ҳам бўлдим. Куёвим даволанишим учун 900 доллар пул жўнатган эди. Қора маскачи мххчилар шу пулни олиб кетди. Кейин мен райондаги МХХга бориб, пулимни қайтаришни сўрадим. Кейин вилоят МХХсига бордим. Лекин пул топилмади. Қайтиб беришмади. 900 доллар оз пул эмас. Даволанишим учун эди бу пул", дея йўғлади онахон.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг бошқа бир ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирининг раиси "қора ниқоблилар" тадбирларини ёқлаб, буни мамлакат хавфсизлиги учун зарурлигини таъкидлади:

"Маҳалламизда иккита оила диний экстремизм бўйича доимий назоратда туради. Биринчи оиладаги бир болани Россиядан тутиб келишди. Сурияга жиҳодга кетишни режалаштирган экан. Иккинчи оилада эса ота-ўғил кидирувда. Улар Туркияда экани, ИШИДга қўшилмоқчи бўлгани ҳақида бизда маълумот бор. Булар ҳаммаси шу рейдлар натижасида аниқланган. Буларни назоратсиз ушлаш хавфсизлигимиз учун раҳна бўлади", дейди исмини очикламаётганимиз маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирининг раиси.

Ўзбекистон ҳукумати қўшни давлатлар, жумладан, Афғонистонда ИШИД фаоллашгани, Қирғизистон жанубида эса турли хил диний оқимлар мавжудлигидан хавфсираши айтилади.
Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур ўтган йили "Ислоний давлат" гуруҳи сафида 200 ўзбекистонлик жанг қилаётгани тўғрисида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

маълумотлар борлигини билдирган эди. Суриядаги ўзбек жиҳодчилари эса жангарилар ўзбекистонликлар сони анча кўпчилигини иддао қилади, бироқ бу борада аниқ рақам мавжуд эмас. Ўзбекистонлик ҳуқуқ фаолларига кўра, сўнгги бир йил ичида ИШИДга алоқадорлик айби билан 200дан ошиқ одам ҳибсга олинган, уларнинг асосий қисми ИИБ рўйхатига тушган, кузатувида бўлган ва сўнгги ойларда хориждан қайтган диндорлардир. Айни пайтда халқаро ташиқлотлар Ўзбекистонда терроризм хавфи йўқлигини таъкидлаб келади. Кўни кеча Сиднейдаги Иқтисодиёт ва тинчлик институти Global Terrorism Index 2016 ҳисоботида Ўзбекистонни яна террорчиликдан холи бўлган мамлакатлар қаторига киритди.

Кидувдагилар сони қанча?

Ўзбекистон диний экстремизмга нисбатан жиддий “қурашар” экан, бирор марта диний айблов билан қамалган ёки қидирувга берилганлар сонини очиқламаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларидан олинган маълумотга кўра, қидирувга берилган “диний экстремистик оқим аъзолари”нинг рўйхати мамлакатдаги ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд. Ўзбекистон бўйича жами 119та шаҳар ва ўндан ортиқ шаҳарча ҳамда 171 та туман мавжуд (Тошкент шаҳридаги 11 та туман билан бирга). Демак мамлакат бўйича “диний экстремистик оқим” аъзоларининг жами 300дан зиёд рўйхати борлигини тахмин қилиш мумкин.

Озодликка тақдим қилинган ҳужжатга кўра, 25 минг аҳолиси бор қишлоқда 30 киши “диний экстремистик оқим аъзолиги”да гумонланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси қарийб 32 миллионга етиб қолганини ҳисобга олсак, ушбу оқимга аъзоликда гумонланаётганлар сони мамлакат бўйича камида 40000 эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Рўйхатга тушганидан беҳабар қидирувдагилар

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳати борки, ушбу рўйхатга киритилганидан шахснинг ўзи беҳабар бўлиши ҳам мумкин. Буни Шавкатнинг ҳамқишлоқлари билан суҳбат давомида

ўргандик. Унинг қидирувда бўлган ҳамқишлоқларидан икки нафарининг қариндошлари Озодлик билан суҳбатда яқинлари қидирувда эканлигидан беҳабарликларини айтишди.

Жумладан, қидирувдагилар рўйхатида бўлган 30 яшар аёлнинг отаси билан телефон орқали боғланганимизда, у кизининг қидирувга берилганини эшитиб ҳайрон бўлди:

“Қизим эри билан 4 йилдан бери Туркияда ишляпти. Болалари ҳам ёнида. Ҳеч қандай қидирувда эмас. Қардан олдинги бу гапни? Қизим тез-тез телефон қилиб туради, гаплашиб турибмиз”, деди кизи қидирувдагилар рўйхатига киритилган 57 яшар эркак Озодлик билан суҳбатда.

Шавкат билан бир маҳаллада улғайган 31 яшар йигитнинг қариндошлари эса уни қидирувга берилганини тасодифан билиб қолишган:

“Укам 2006 йилда Норвегияга ўқишга кетганди. 3 йил олдин “Постда” газетасида укамнинг суратини кўриб қолдик. Тагига қидирувда эканини ёзишган экан. Ҳайрон бўлдик. Милиция бўлимидагилар бизга укамнинг нимага қидирувга берилганини умуман айтишмади. Ҳалигача ҳам билмаймиз. Укам у ерда яхши яшляпти. Ишляпти. Норвегия тилини ўрганапти. Яшашидан норозилик томони йўқ”, деди укаси қидирувга берилган йигит.

Эри Владивостокдан қочиб, Туркияга яширинган 32 яшар йигитнинг рафиқаси эса паспорт бўлимига биометрик паспорт олиш учун борган пайти “қидирувдагилар тахтаси”да эрининг суратини кўриб қолганини айтади:

“Кейин мен эримга хабар қилдим. Бир ярим йилдан бери Туркияда яшириниб юрибди. Июлдан бери гаплашмадик. Соғинганимдан жаҳл қилгандим, уришиб қолдик”, дейди 26 яшар келинчак.

“Ўзбекистонга узоқ келмаганлик” айблови

Суҳбатдошларимиз билан мулоқотлар давомида қидирувдагилар билан боғлиқ бошқа бир жиҳат ҳам ойдинлашди: Шавкатнинг аксар ҳамқишлоқлари Ўзбекистонга узоқ муддат давомида келмагани сабаб қидирувга берилган. Жумладан, 5 йил аввал ўғли Туркияга ишлашга кетган онахоннинг айтишича, икки йил аввал унинг ўғлини айни ваз билан

қидирувга беришган:

“Ўғлим хотини, болалари билан Туркияда яшляпти. МХХдагилар “Ўғлинг Ўзбекистонга узоқ вақт давомида келмагани учун қидирувга берилди” деб айтишди менга”, дейди онахон Озодлик билан суҳбатда.

Онахон тилга олган “Узоқ вақт Ўзбекистонга келмаган”лик айблови Мисрда ўқиган Шавкатнинг тўртта ҳамқишлоғига ҳам қўйилган.

Шу ўринда узоқ вақт хорижда бўлиш жиноятми, деган ҳақли савол туғиладики, қонунларни титқилаб, бунақа кўринишдаги жиноят мавжуд эмаслигини аниқладик.

Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 365-моддасида қидирув эълон қилиш тартиби белгиланган бўлиб, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун унга нисбатан қидирув эълон қилиши мумкин. Қонун ҳужжатларига кўра, терговчи фақат айбланувчи тариқасида тергов ишида иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақлидир. Терговчи айбланувчи топилган тақдирда, суднинг ажрими билан эҳтиёт чораси сифатида уни қамокка олиши мумкин.

С.Икромов: Диний экстремизм айблови Интерпол учун ўйлаб топилган

Диний айбловлар билан қидирувга берилган ва қамалганлар билан боғлиқ вазиятни кузатаётган Тошкентдаги Мустақил инсон ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов мавжуд жараёни тўхтатиш зарурлигини таъкидлайди:

- Охири пайларда қидирувга кўп берапти. Терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари участка нозирлари олдида келадида, ўша участкада ким қарга кетганини маҳалла раиси, қосбон орқали билиб олади. Ўшаларнинг адреси, телефонини беришади. Уйдагилари айтишади, ўқишга кетганми, ишга кетганми. Лекин булар диний экстремизмга оид моддаларни кўяди. Шу моддани айтса, Интерпол бунга эътибор қилади. Уларда ҳеч қандай айблов йўқ, лекин уларни олиб келиш мақсадида ўша моддаларни қўллаб қидирувга беради. Бу ерда жуда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

савол кўпу, жавоби йўқ. Буни қараб чиқиш керак. Давлат буни тўхтатиши керак. Ўзбекистоннинг аввалги сиёсати, афсуски, ҳозир ҳам давом этапти. Диний айблов билан 13 мингдан кўп одам ўтирибди. Ўшаларнинг қанча судида қатнашган бўлсам, бирортасининг исботи бўлмаган ҳеч қачон. 15-20 йиллаб ўтирганлар нима учун қамалганини билишмайди ҳам, дейди Суръат Икромов.

Амнистиядан умидсиз-умидвор Шавкат

Мақолани яқунлаш арафасида оиласи билан Мисрда яшаётган Шавкат билан қайта боғландик. Шавкат “Қидирувдагилар рўйхати”га тушиб, Россиядан Ўзбекистонга олиб кетилган ва 3,3 йилдан бери қамокда ўтирган 27 яшар укасининг янги Амнистияга тушиб, озодликка чиқишига ният қилаётганини айтди. Ҳикоямиз қаҳрамони Шавкат адаши -президентликка асосий даъвогар Шавкат Мирзиёевнинг марҳаматидан умидвор. Бу - амалга ошиши даргумон бир умид эканлигини Шавкат яширмайди.

Айни пайтда у “Қидирувдагилар рўйхати”дан қандай чиқиш мумкинлигини билмай Шавкатнинг боши қотган. Бу савол мазкур рўйхатга қандай тушганини билмаётган ўнлаб ўзбекистонликларни ҳам қийнаши аниқ. Хорижда узоқ йиллардан бери ўқиётган ёки ишлаётганлар эса ўзининг номи бу рўйхатда бор-йўқлигини қандай аниқлаш мумкинлигидан беҳабар.

P.S Мақолани тугатган пайтим Хоразмдан онам кўнғироқ қилиб қолди: “Қизим сени соғиндик. Бугун Хоразмга охириги келиб, кетган кунинг туғилган жиянчангнинг туғилган кунини нишонляймиз”, деди. Ҳисоблаб кўрсам, Хоразмга бормаганимга роппа-роса 5 йил бўлибди. Балки Ўзбекистонга бормаганимга анча бўлгани учун мени ҳам “Қидирувдагилар рўйхати”га кўшиб кўйишгандир, деган фикр ўтди хаёлимдан. Эртага укаларимдан илтимос қиламан: Хоразмдаги милиция бўлимларига бориб, “Қидирувдагилар тахта”ларини бир кўздан кечиришсин...

Меҳрибон

Манба: "Озодлик" радиоси

Сиёсий сергаклик: Президентликка номзод Мирзиёевга кўмак бераман дея қўл чўзганлар жиннига чиқариб қўйилмоқда!

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига “Мени олдингизга ишга олинг!” дея ариза йўллаган Хоразм влиоят, Хозарасп тумани, Саноат қишлоғида истиқомат қилувчи 63 ёшли нафақахўр Қадамбой Матмуродов 3 ноябрь куни мажбурий равишда жиннихонага жойлаштирилган.

Бу ҳақда Қадамбой оғанинг ўзлари телефон орқали менга хабар берди:

- Мен Урганчдаги жиннихонадаман. Мени зўрлик билан шу ерга олиб келиб ташлашди. Мирзиёевга мурожаат қилганимдан кейин босимлар кучайиб кетди. Бу ҳақда жамоатчиликни огоҳлантиринг. Менга ёрдам қилмасангизлар бўлмайди, - дейди Қадамбой оға маҳзун овозда.

- Телефон апаратингиз ўзингиз биланми?

- Йўқ, ҳозир учрашув хонасидаман. Бу телефон набирамнинг қўлида. Ундан олиб сизга телефон уриб турибман, - дейди. Қ. Матмуродов.

Очиги, Қадамбой оғанинг ҳолларидан хайратга тушган эмасман. Бу бизда – Ўзбекистонда одатий ҳоллиги сабабли бунингдек кўргуликларни эшитавериб “этларимиз ўлиб кетган”...

Биласиз, Ўзбекистон қонунчилигига асосан нима мушкул, шахсни жиннихонага ётқизиш мушкул. Оила аъзоларидан бирортаси кишининг ақлида нусони борлиги ва ё руҳиятида ўзгариш содир бўлаётганлиги хусусида руҳий касалликлар шифохонаси маъмуриятига ёзма равишда ариза билан мурожаат этмас экан, ҳеч кимга бекордан бекорга бунингдек касалхона “койка”си берилмайди. “Қизик, Қадамбой оғанинг қай бир оила аъзоси руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокорига “Отамизнинг руҳиятлари хасталанмоқда” дея ариза ёздикин?” деган саволга жавоб олиш мақсадида Матмуродов сим қоққан телефон рақами (+99894 1145424)билан боғландим.

Гўшакникўтарган киши “

Қадамбой оғанинг ўғли Ғулом бўламан” деди.

Вазиятга аниқлик киритиш мақсадида берган саволларимга Ғулом акадан қуйидагича жавоб олдим:

- Биз оилада 2 ўғил, тўрт қиз, олти фарзандмиз. Отамни 3 ноябрь куни милисалар билан етаклашиб келган маҳаллакомлар мошинага солиб кетишган, жиннихонага элтишган.Бизлар ҳам нима бўлаётганини билмасдан қолдик. Мана, имконини топишимиз билан Урганчга, отамнинг олдида қатнам турибмиз, ҳолидан хабардор бўлиб юрибмиз, - дейди Ғулом ака, - Ҳа, йў-ўйўқ, биздан, оиламиздан бирортамиз жиннихона главрачига мурожаат қилмаганмиз.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийга шогирдлари “Бошга балони нима келтиради?” деб сўрашганларида, ғазал мулкининг султони кўрсатгич бармоқлари билан тилларини кўрсатган эканлар.

“Узун тилимни тиймадим, улнинг уйига сиғмадим, қизил тилимни тиймадим, қизнинг уйига сиғмадим” дегувчи эдилар энам раҳматлик.

Бош вазир Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига мурожаат ёзиб, “Амалдаги ҳуқуқ-тартибот органларининг 100 тасини ишини бажараман” дея кўкрак керишга, оғиздаги 200 грамм лаҳимга эрк беришга нима бор эди дейман-да!

“Шоҳига урсанг, туёғи зирқирайди” дейишади.

Ўша “ҳуқуқ-тартибот органларининг 100 таси”ни Қадамбой оғанинг бунингдек “ҳақорат”идан қаҳри келмайди дейсизми?

Яхшиям оғамизнинг ёшлари 60 дан ошгани. Кексалиги қўл келибди ҳалиям.... Қамокқа эмас, касалхонага қамаб қўйиб қутилишибди.

Ростиям шу-да. Қадамбой оғанинг эси жойида бўлса Мирзиёевга қилган мурожаатида битта эмас, иккита эмас, бира йўла 100 та казо-казоларнинг, яна кимларнинг, орган одамларининг қитик-патида тегама?!

Ростини айтадиган бўлсам,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мени Қадамбой оғанинг рухий качсалликлар шифохонасига банди этилганлиги эмас, мутлақо бошқа бир оламшумул масала ташвишга солмоқда:

Ажаб-о-ооо, Шавкат Мирмонович Мирзиёевга самимий соддадиллик билан, ўта мимимият-ла, кишлоқ кишиларига

хос тўпорилик билан, чин юракдан, қалбан "Сизга ёрдам бермоқчиман" деган, қўллашни истаган, кўмак учун чўзган қўлларила юрагини тутган халқ вакиллари нега энди рухий хастага, жиннига чиқарилмоқда!

Нима бу?
Сайлдов олди хуфёна тадбир эмасми ишқилиб?
Бу аҳволда эртага Шавкат

Миромоновичга ишониб, таяниб овоз берган халқнинг ҳаммаси ТУРАЛАРдан иборат ТУДАЛАР томонидан тентакка чиқариб қўйилмаса гўрга эди дейман-да!

Шу ўринда СИЁСИЙ СЕРГАКЛИК КЕРАК ЭМАСМИ, яхшилар?

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
Мустақил журналист, ҳуқуқбон

Гулнора Каримованинг ўғли Исло Каримов Би-би-си билан мулоқотда ўз онасининг ўлими борасидаги хабарни "миш-мишлар, холос", деб атади.

Би-би-си ундан онаси қаерда эканини сўраганида, 23 ёшли Исло Каримов қуйдагиларни ёзди:

"Онам 2014 йил февралдан бери ҳали ҳам уйда ушлаб турилибди. Синглим энди уй ҳибсида эмас, лекин мамлакатни тарк эта олмайди. Мен ҳозир Лондондаман", - деди у.

Бироз аввал Фейсбукдаги "Дети Каримова" ("Каримов фарзандлари") саҳифаси ҳам Исло Каримов билан боғлангани ва ундан онаси ўлими ҳақида сўраганини маълум қилди.

Аммо, Исло Каримовнинг Би-би-сига айтишича, бу саҳифага у "анча аввал "берган узун матнда унинг сўзлари ўзгартириб берилган, аммо маъноси, умуман олганда, сақлаб қолинган.

Ушбу матнда Президент Каримовнинг вафоти ҳам тилга олинган.

"Менга ва яқинларимга бобом билан ҳайрлашишга имкон беришмади. Мен у ерда бўлишни жуда хоҳлагандим. Бобом ўлганидан бери жуда тушқунликда эдим ва ҳеч ким билан гаплаша олмаётгандим. Онам кўнғироғимга дарров жавоб бермади. Мен Лондондаги Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилмоқчи эдим, аммо синглим кўнғироқ қилди ва бу миш-миш эканини айтди", - дейлади ёш Исло Каримовдан экани айтилган матнда.

Хавф

2014 йилда, ҳали бобоси тириклигида Би-би-сига берган интервьюсида Исло Каримов ўзи ва онаси ҳаёти хавф остида эканини айтганди.

"Менинг ўзим ҳам душман ва нишонга айланганман. Мен бутун бошли режимга қарши курашмоқдаман", - деган у.



ИСЛОМ КАРИМОВ: "ОНАМ ТИРИК"

У гўёки ўзи ва онасига қарши қилинган суиқасд амали ҳақида ҳам гапириб берганди.

"Мени ва онамни 2 йил аввал захарлашга уринганлар. Оғир металллар билан. Менинг танамдан олти тур металл колдигини топишди. Онамнинг танасида эса анчайин кўпроқ эди.", - деб айтган ёш Исло Каримов.

"МХХдаги манба"

Бир кун аввал Марказий Осиё бўйича хабарлар тарқатувчи Центр-1 сайти собиқ Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримова 5 ноябрда захарланиб ўлганини хабар қилди.

Сайтда айтилишича, бу хабарни Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматидаги аноним манба берган.

Мазкур манбанинг сайтга айтишича, 44 ёшли Гулнора Каримова захарланган ва 5 ноябрда оламдан ўтган.

Манба унинг Тошкентдаги "Минор" қабристонида дафн қилингани, қабри эса текислаб қўйилганини ҳам айтган.

Центр-1 мақоласида ёзилишича, МХХдаги манба Каримова

хонимни кўмиш жараёнида шахсан ўзи иштирок этган, сўнгра "унинг фарзандлари - ўғли Исло ва қизи Имон қисматлари учун хавотир" олиб телефон орқали интервьюга рози бўлган.

Гулнора Каримованинг ўлими ҳақидаги мазкур иддао ижтимоий тармоқлар ва хорижий матбуотда яшин тезлигида тарқалди.

Аммо, Би-би-си ўзбек хизматининг Ўзбекистондаги расмий манбалари бу маълумотни тасдиқлашмади.

Интерфакс ва РИА Новости хабар агентликлари Каримова хонимнинг ўлгани борасидаги маълумот ёлгон эканини ўз манбаларига таяниб хабар қилишди.

Гулнора Каримованинг аҳволи, унинг қаерда ва қандай шароитларда сақланаётганини аниқлаш мураккаблигича қолмоқда.

Ўзбекистондаги ёпиқ ахборот муҳити туфайли мамлакатнинг илк президенти Исло Каримовнинг қачон вафот этгани борасида ҳам миш-мишлар тарқаганди.

Манба: bbc.com/uzbek

Гап Каримов ҳақида эмас. У ўлди кетди! Осонгина ўлиб кутулди.

Халқ ғазабидан, интиқомидан. Қизи Гулноранинг қилмишлари туфайли бошига тушажак шармандали машмашалардан ўлиб кутулди.

2013 - йили "Дунёнинг энг



қудратли 500 мусулмони" рўйхатига киритилган исломсиз Ислом Каримов арокқа бўкиб ўлди. Бу ёғига энди "букрини гўр тузатаверсин" У энди тарихга айланди.

Тарихдан сабоқ ўликлар учун эмас, биз тириклар учундир. Яқинда (5 октабр 2016-йил) "Озодлик" радиоси ёйинлаган хабардан Каримов қабрини зиёрат қилаётганлар ҳали ҳам жуда кўп эканлигини кўриб ҳайратландим. Ҳатто баъзи зиёратчилар кўзда ёш билан, бу зиёратни умрага тенглаштираётган эканлар. Алҳазар!..

Арокқа бўкиб ўлган диктатор зиёратини умрага тенглаштираётганлар шахсга сиғиниш оғир ширк эканини билмасмикинлар?!

Ҳар қандай диктатор ҳам ўлади. Лекин халқ яшайди.

Каримов шахсига сиғинаётганлар ўзбек халқининг жуда кичик бир бўлаги бўлса ҳамки, улар бизнинг халқимиздир.

Лекин халқ деганда бутун ўзбек халқини тушуниб қолмаслик учун, шартли равишда бу ўриндаги халқ сўзини кўштирноқ ичига олдим. Баъзилар бу "халқ"ни дафн маросимига ҳайдаб олиб чиқишган дейишди. Бу фикр қисман тўғри, буткул эмас.

Чунки, кўзлардан шашқатор ёшлар оқишини, "отамни қайтариб беринглар" деб фарёд чекишларни мажбурлаб уюштириш мушкул иш. Каримов режими туфайли русларга мардикор бўлган бир тенгдошимнинг: "Каримов тирилиб келса жонимни берар эдим" дейишини, ёки чет эллардаги баъзи мардикорларларнинг

Ўзбекистон элчиҳоналари олдида Каримов хотирасига гулчамбарлар қўйишларини мажбурлаб ташкиллаштириш қийин. Менимча ўша "халқ" нинг ўзида бу ишларга мойиллик бор.

Гап Каримов ҳақида эмас

Яна баъзилар бу "халқ"ни лаганбардорга чиқаряпти. Тўғри, "халқ"нинг орасида лаганбардорлари ҳам бор. Лекин уларнинг асосий қисми бундай эмас. Бу "халқ"нинг аксарияти, тан олиш керак чинданда Каримовга меҳр қўйган одамлардир. Каримовнинг макрига алданиб, ёлғонларига ишониб меҳр қўйган одамлардир.

Каримов зулми туфайли кўпгина чет элларни дарбадар кездим. Ҳамма ерда уни лаънатладим. Ниҳоят, диктатор ўлди. Унинг зулмидан қутилган халқ кўчаларга чиқиб байрам қилса керак деб ўйлагандим. Маддоҳ телевидениямиз дунёга кўз-кўз қилган дафн маросимида бунинг том тескариси бўлди.

Телевидения ўз зиммасига юклатилган вазифани қойилмақом қилиб уддалади. Яъни золим ва қонхўр диктатордан ўзбек халқининг буюк бир миллий қаҳрамони тимсоли яратилди. Гўёки, халқ ўзининг миллий қаҳрамонини буюк изтироб билан, кўзларда шашқатор ёш билан, гулларга буркаб сўнгги йўлга кузатди. Дунё лол қолди.

Менга қарата: "-Президентларинг халқ меҳрини қозонган одам экан. Демак, сенлар ўзларинг ёмон бўлсаларинг керак" -деб маломат қилганлар кўп бўлди. Бундай маломатлар ҳозир ҳам давом этабди.

Баъзи чет эллик танишларим эса: "-Халқ қандай бўлса, бошқарувчи ҳам шунга яраша бўлади. Бундай бир халқ учун Каримовдан бошқаси увол" -дейишди. Бу фикрга ҳам қўшилмадим.

Чунки яқин тарихдан маълумки Сталин ўлганда ҳам худди шундай бўлган экан. Лекин ҳозир гап бу

ҳақида эмас.

Тан олиш керак Каримов ўзбек халқининг содда, оқкўнгил ва лақма бир қисмининг меҳрини қозона олгани бор гап.

Менимча бу "халқ"нинг асосий қисми хушомадгўй ҳам эмас; лаганбардор ҳам эмас; таъмагирлар ҳам эмас; дафн м а р о с и м и д а

иштирок этишга ҳам, Каримов қабрини зиёрат қилишга ҳам мажбурланганлар эмас.

Улар алданган одамлардир. Каримов дунёга танилган диктатор бўлса, Ўзбекистон иқтисодиётини чўктириб қўйган бўлса, халқини бошқаларга мардикор қилиб қўйган бўлса, миллионларни ўмаргани учун қизи Гулнорага қатор мамлакатларда жиноий иш очилган бўлса, қандай қилиб шунча одам унга меҳр қўйди?!

Аниқроғи, бу "халқ" қандай қилиб бир диктаторга алданди. Гап ана шу ҳақда. Мен шу саволларга кучим етганича жавоб изладим. Чунки халқимизнинг ана шу кичик бир бўлаги бўлган "халқ" ҳам миллионлардан иборат.

Ана шу миллионлар бўлажак президентдан ҳам янги диктатор ясаб олишлари ва яна уларнинг ўзлари бу диктаторга алданишда давом этаверишлари мумкин.

Албатта бу иллат мен ёзаётган биргина мақола билан асло тузалиб қолмайди. Ўйлайманки муҳолифатдаги зиёлиларимиз бу алданган одамларни танқид қилавермай уларнинг кўзини очиш билан кўпроқ шуғулланишлари керак.

Бунинг учун эса бу "халқ" қандай қилиб шу қадар алданиб қолган? деган саволга жавоб излаш муҳим деб билдим. Кучим етганича излаб топганларимни эътиборингизга ҳавола қилиб, бу ҳақда сизларнинг фикрларингизни эшитишни истадим.

Диктатор Каримовнинг чорак асрлик раҳбарлиги даври энди тарихга айланди. Биз ёш авлод унинг кирдикорларини асосан кекса муҳолифатчиларнинг суҳбатларидан, ҳамда муҳолифат нашрларининг (баъзан эса Ўзбекистон матбуоти) архивларидан излашга мажбурмиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мен ҳам излаб-излаб "халқ"нинг алданиш сабабларидан баъзиларини тошгандек бўлдим.

1. Бу "халқ" Каримовни фақат маддоҳ матбуот орқалигина билади ва унга астойдил ишонади. Бунга маддоҳ матбуотдан минглаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳаммага маълум бўлгани учун у мисолларни бу ерда келтиришга ҳожат йўқ.

2. Ўзбекистон зиёлиларидаги ҳушомадгўйлик иллати ҳам диктатордан миллий қаҳрамон яралишига катта ҳисса кўшган. Енгил-елпи ҳушомад қиладиган ўзбек ижодкорлари жуда кўп. Менимча улар унчалик ҳавфли эмас.

Лекин, ўзбекнинг Эркин Воҳидовлари: "Юртбошимга отилган ўқ менга тегсин!... менга тегсин!..." дегани; Абдулла Ориповлари диктаторга қарата: "Орол қуриса қурийверсин, сиз ўзингиз денгизимиз" деб ўз сатрлари билан айтганда: "

мушукдек оёғин ялагани" ; Одил Ёқубовлари: "Тарих учун, келажак авлод учун бу йўлда у хатто Каримовга ёқмай қолишдан ҳам кўрқмасликка жазм қилгани..." (Нима эмиш, Каримовга мақтов ёқмас эмиш. Мақтаганларни ёмон кўрар эмиш у.

Одил Ёқубов эса Каримовга ёқмай қолишдан ҳам кўрқмай, "Ҳақ сўз учун президент ёмон кўрадиган бўлса, мана мени ёмон кўрсин, барибир айтаман мен ҳақиқатни" дея кўксига уриб, уни кўпиртириб мақтайди. Манбаа. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 2001 йил июн ойининг 3-ҳафтасидаги сони) Мана булар ўша "халқ" учун ҳавфлидир. "Халқ"нинг алданишида уларнинг ҳиссаси ниҳоятда каттадир.

Айтишларича айб уларда эмас, айб ҳар қандай одамни маддоҳга айлантирадиган совет тузумида бўлган эмиш. Масалан, совет тузумида яшаб, "Яша партия", "Яшасин Ленин" деб ёзмаган биронта шоир, ёки ёзувчи бўлмаган эмиш. Наҳотки?!... дея яқин

дўстларимни, биродарларимни ҳашарга чорлаб, баҳоли кудрат ўзбек совет шоирларининг ҳам; ва бевосита совет шоирларининг ҳам китобларини варақлаб чиқдик.

Биз қараган китобларни орасида Муҳаммад Солиҳдан бошқа биронта ҳам шоир тополмадик маддоҳлик қилмаган. Фикримизча ўзбек совет шоирларини собиқ совет шоирлари орасида биринчи ўринга қўйиш мумкин.

Худди шунингдек, Муҳаммад Солиҳни маддоҳлик қилмаган шоирлар орасида ҳам биринчи ўринга қўйиш мумкин деган ҳулосага келдик. Ўйлайманки юртимизда Муҳаммад Солиҳнинг издошлари кўпайсагина, халқнинг ҳам "халқ"нинг ҳам кўзи очилиб, биз Каримов асос солган диктаторлик режимидан қутулишимиз мумкин.

3. Учинчи қисм кўпчиликка қисман маълум, лекин ўша "халқ"га унчалик маълум бўлмаган Каримовнинг буюк артистлик маҳоратидир.

(Давоми бор)

Шоакбар Шораҳимов



Самандар Қўқонов озодликка чиқарилди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, 24 ноябр куни Жазони Ижро этиш Бош Бошқармаси расмийлари томонидан 72 яшар Қўқоновга берилган сўнгги жазо муддати бекор этилган ва маҳкумнинг озодликка чиқишини маълум қилинган. Куннинг иккинчи ярмида Қўқонов фарзандлари "Озодлик" радиосига Зарафшондаги 64/48 зонаси олдида, отасининг чиқишини кутиб туришганини билдиришган.

- Ҳозир қамоқхона эшиги олдида турибман. Ҳали отамни

кўрмадим. Бир соатдан сўнг телефон қилсангиз, Худо хоҳласа, ҳаммасини айтиб бераман, деди Қўқоновнинг ўғли Сардор Тошкент вақти билан соат 13 лар атрофида.

"Охирги ажрим бекор бўлди, Самандар акани уйга олиб кетинглар" деб телефон қилишди", деб ёзди Қўқонов яқинларидан яна бири.

Жорий йил 6 октябрь куни 23 йилу 4 ойдан бери қамоқда қолаётган 72 яшар Қўқоновга берилган сўнгги жазо муддати тугаган эди.

Аммо Қўқоновни озодликка

чиқариш ўрнига 7 октябрь куни Навоий вилояти Зарафшон шаҳар суди томонидан Жиноят Кодексининг 221-моддаси 2 қисми "б" банди, 60-моддаси билан 3 йил 5 кунга озодликдан маҳрум этилган эди.

Ўзбекистон Олий кенгаши депутати, Чиноз нефтни қайта ишлаш корхонаси собиқ бошлиғи Самандар Қўқонов 1993 йилнинг 2 июль куни давлатга қарашли катта миқдордаги мол-мулкни талон-тарожлик қилганлик айби билан ҳибсга олинган. МХХ ертўласида бир ярим йил сақланганидан сўнг, 20 йиллик қамоққа ҳукм этилган ва бу бир ярим йил қамоқ муддатидан чегирилмаган.

Асли Жиззах вилоятининг Фориш туманидан бўлган Самандар Қўқонов 1989 йили Шавкат Мирзиёев (ҳозирда Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи ва бош вазир) билан бир қақирқда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган.

Уни яқиндан таниган маслақдошлари 80-йиллар охирида сиёсий майдонда фаол кўзга ташланган тадбиркор ва депутатнинг шахсан Ислоҳ Каримов топшириғи билан қамоққа олингани ва шахсан Каримов топшириғи билан қамоқда шунча вақт сақланганини таъкидлайдилар.

Самандар Қўқонов мустақил Ўзбекистон тарихида қамоқда энг узок қолган сиёсий маҳбусдир.

УХХ хабарлар бўлими

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, 10 ноябрь куни Тошкентда қўлга олинган 44 яшар немис журналисти Эдда Шлагер 11 ноябрь куни Ўзбекистондан депортация қилинган.

Германия жамоатчилик радиоси мухбири бўлган Шлагер "Озодлик" радиоси билан суҳбатда Тошкентга 4 декабрда ўтадиган президентлик сайловини ёритиш ва Ислон Каримовдан кейинги Ўзбекистонда кечаётган жараёнлар билан немис жамоатчилигини таништириш учун борганлигини билдирган.

Эдда Шлагер Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигидан аккредитация олиш мумкин бўлмагани туфайли Тошкентга 3 ноябрь куни сайёҳлик визаси билан келгани ва жамоатчилик вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказганини билдирди.

Суҳбатдош таъкидича, 10 ноябрь куни уни Тошкентнинг Яккасарой туманидаги "Бек" меҳмонхонасида милиция ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан иборат 4 киши ҳибсга олиб, бир неча соат сўроқ қилган ва диктофонини мусодара қилган.

"Чегара билмас мухбирлар" халқаро ташкилоти ва Германия Ташқи ишлар вазирлиги аралашуви ортидан озод этилиб, Ўзбекистондан чиқариб юборилган Эдда Шлагер Ўзбекистондаги бугунги кайфиятни Шимолий Кореяга ўхшатди:

- МХХ ходимлари мени диктофонини олиб қўйишди. Лекин менда қулоқ бор, кўз бор, ҳидлаш учун бурним бор. "Маҳалла сталинизми" деган калима Ўзбекистондаги бугунги



Немис журналисти : Одамларга ишонмаслик, шубҳа ва гумон Ўзбекистонни қамраган

вазиятни тўла ифодалайди. Мен ўзим собиқ ГДРдан бўлганим боис, қўрқув муҳитини бутун борлиғим билан сезаман. ГДРдаги қўрқув ва чақимчиликка асосланган муҳитни яхши эслайман. Ўзбекистон кўчаларида, бозорда оддий одамлар билан гаплашдим. Улардан оддий нарсаларни сўрасам ҳам, чўчиб тавишади. Нега бунақа ғалати саволларни бераясиз? Тинчлигимизга раҳна солмоқчимисиз, дейишади. Одамларга ишонмаслик, шубҳа ва гумон Ўзбекистонни қамраган. Қўрқув ва гумон урчиган. Вазият Шимолий Кореяга ўхшайди. Балки Шимолий Корея каби дахшатли эмасдир, балки у қадар мукамаллик касб қилмагандир. Лекин барибир Шимолий Корея

тутуми бу. Якшанба куни гўзал қуз ҳавосида мен Тошкентда бўм-бўш майдонларни кўрдим. Одамлар қаерда сайр қилади, қаерда дам олади, деган саволимни ҳам шубҳа билан қабул қилишди, дея таъкидлаган Эдда Шлагер Ўзбекистонга кирадиган журналист ёки туристдан кутиладиган ягона ҳис-ҳаяжон ҳақида ҳам тўхталди:

- Оддий одамлар ҳам, мулозимлар ҳам келган одам фақат битта таъсурот билан кетишини истайди - улар сайёҳдан паловингиз қандай мазали, мадрасаларингиз қандай гўзал, деган гапни кутишади. Агар шу йўналишда гап бошласангиз, тиллари равон бўлиб "бизнинг ош энг зўр, биноларимиз энг гўзал" дея таърифлашади. Буни ёнида энг кўп эшитган гапим –

тинчлик ҳақида эди. Ўзбекистонда тинчликку, бутун дунё уруш ичида турган пайтда ягона Ўзбекистонда уруш йўқ, деб таъкидлашади, дейди Ўзбекистондан депортация қилинган суҳбатдош.

Эдда Шлагер Ўзбекистондан депортация қилинган ягона журналист эмас. 2003 йилда Тошкентдан россиялик ҳуқуқ фаоли Николай Митрохин, 2005 йилда халқаро журналист Игорь Ротарь, 2012 йилда ВВС мухбири Наталья Антелава ва россиялик журналист Виктория Ивлева, 2014 йилда эса москвалик фотосуратчи Константин Саломатин Ўзбекистонда аккредитациядан ўтмасдан иш қилди, деган асос чиқариб юборилган эди.

Манба: ozodlik.org



Ўзбекистонда бир ойда юз долларга қандай яшаш мумкин?

Яқинда Ўзбекистонда долларнинг “бозор” курси кескин кўтарилганига кўпчилик озик-овқат маҳсулотларининг нархи ҳам кўтарилиб кетди. Президентликка тўрт номзод ваъда берган маошларнинг ошишига ҳали анча бор. Бўлгуси давлат раҳбари маош ва пенсияларни оширади, деб тахмин қилсак ҳам, бу нарса албатта дарҳол рўй бермайди. Лекин у Ислом Каримов давридаги анъанани буза олармикан? Яъни маошлар, нафақа, пенсия ва стипендиялар ўн беш фоизга ошса, ҳамма халқ истеъмоли товарлари камида ўн беш фоиз ёки ундан ҳам кўпга ошарди. Бу аҳволда аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши ҳақида гапирмас ва бўларди. Мамлакатда истеъмол саватининг энг кам ойлик иш ҳақидан қимматга тушиши ваниҳоят тан олинамикан?..

Бугунги кунда долларнинг бозор нархи 7000 сўмда қатъий турибди. 2016 йилнинг июнь ойи ўртасида долларни бозорда 6000 сўмга олса бўларди, октябрь бошида эса – 6400 сўм эди. Валютачиларнинг тахмин қилишича, янги йилга яқинлашганда аҳоли маҳсулотлар олиш учун оммавий равишда валютасини соғади, ўшанда курс озгина пасаяди, ундан кейин эса яна 7000 ёки унданам баландроққа қайтади.

Долларнинг Марказий банк белгилаган расмий курси ҳам доим ошади, аммо бир неча ўн сўмгагина холос, уни долларга чаққанда арзимаган пул бўлади. Бугунги кунда у 3138,95 сўмга тенг, бу бозор курсидан икки баравардан ҳам пастроқдир. Қайд этиш керакки,

расмий курс билан ҳеч кимнинг иши йўқ, чунки бу курсда банкдан доллар олиб бўлмайди.

2016 йилнинг биринчи октябрдан Ўзбекистонда энг кам ойлик иш ҳақи 149.775 сўм (бозор курси бўйича 21 доллардан сал кўпроқ), ёшга доир пенсия – 292.940 сўм (деярли 42 доллар). Мактаб ўқитувчисининг ўртача ойлиги – бир миллион сўм ёки 143 доллар, ўртача пенсия – 700 минг сўм (камида 30 йиллик иш стажи бўлса) ёки 100 доллар.

Қуйидаги саволларни ўртага қўйдик: Ўзбекистонда бир кишининг бир ойлик истеъмол савати қанчага тушади, Тошкентда ҳеч бўлмаганда юз долларга яшаш мумкинми?

Ҳисоб-китоб

Бугунги кунда Тошкент бозорларида асосий озик-овқат маҳсулотлари (тансиқ таом сифатида мева, колбаса маҳсулотлари ва пишлоқларни ҳисобга олмадик) қуйидаги нархларда сотилмоқда:

Энди Тошкентда кун кечириб учун энг кам миқдордаги маҳсулотларни ҳисоблаймиз. Мош, ловия, нўхат, сўк, перловка, майиз ва ёнғоқсиз ҳам кун кечирса бўлади (худди мева, колбаса ва пишлоқ сингари), шунинг учун уларни ҳисобга олмаймиз.

Хуллас, битта одам бир ойда буларни истеъмол қилади дейлик: саккиз кило энг арзон картошка (12000), беш кило пиёз (5000), икки кило гуруч ўртача нархда (14000), бир кило гречка (9000), икки кило макарон (7000), ўттиз дона ўртача катталикдаги тухум (16500), бир

кило мол гўшти (20000), икки кило товук гўшти (28000), уч кило ун (9000), икки кило шакар (9000), бир литр ўсимлик ёғи (пахта, 8500), ярим кило сариёғ (18000), бир кило сариқ сабзи (1500), икки кило қизил сабзи (3000), бир килодан қизил лавлаги ва қовоқ (3000), уч кило помидор (12000), бир кило бодринг (5000), уч литр сут (9000), икки литр қатиқ (кефир, 6000), ярим кило қора чой (11000), ярим кило кўк чой (9500), ўн беш буханка нон (15000) бир кило туз (1000). Жами – 232 минг сўм.

Ойлик бюджетнинг анча қисми гигиена буюмларига сарфланади. Битта 200 миллилитрли шампун (16000), иккита атирсовун (12000), бир кило кир ювиш кукуни (автомат, 8000), 100 граммлик тиш пастаси (10000), икки рулон ҳожатхона қоғози (5000), иккита сокол олиш станогли (бир марталиқ), битта сокол олиш кўпиги (15000) қўшилса, 76 минг сўм чиқади.

Энди коммунал хизматларнинг ойлик харажати ҳисоблаймиз. Бу одам ёлғиз ўзи, майдони 40 квадрат метр бўлган икки хонали квартирада яшайди, деб ҳисоблайлик. Ҳозирги тарифларга кўра (жумладан, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари эксплуатацион харажатлари ҳам қўшилганда) ўртача тўлов – 123 минг сўм.

Ойлик йўловчи карточкаси (автобус ва метро учун) биринчи октябрдан 166 минг сўмга чиқди. Йўловчи карточкаси ўтмайдиган такси ва маршруткарларда юрмаймиз.

Пулни тежаш натижасида йилда бир марта сотиб олиш мумкин бўлган энг арзон Хитой кийими нархини ҳисобга олмаймиз. Маданий муассасаларга ҳам бормаймиз (театр, кинотеатр, кўргазма заллари ва бошқалар). Ресторан ва кафелар ҳақида унутамиз, таътил пайтида чет элларга чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Чунки масалан, Москвага учиб нархи (бориш-келишга, долларнинг бозор ва расмий курсларидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда) камида 350 доллар ёки 2450000 сўм туради. Таътил пайтида яшашга ҳам пул керак.

Натижани чиқарамиз: 232+76+123+166=597 минг сўм. 600 мингга яхлитлаштирайлик. Демак, бугунги кундаги шароитни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон пойтахтидаги истеъмол савати ва энг кам ойлик иш ҳақи ва пенсиялар шу миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, юз долларгача 100 минг сўм қолди, бу пулга бир нечта кийим-кечак олиш мумкин (масалан, иккита аёллар колготкаси, икки жуфт арзон пайпоқ ва иккита трусик). Ёки онда-сонда мева, пишлоқ ва колбасадан баҳраманд бўлиш мумкин.

Хулосалар

Бундан келиб чиқадими, пенсия 700 минг бўлса, яшаш мумкин. Бир

("Гап Каримов ҳақида эмас" мақоласининг давоми.)

Каримов бутун фаолияти давомида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ҳақида қайғурмади, лекин, ана шу йўлда қайғураётган миллий қаҳрамон даражасидаги раҳбар ролини қойилмақом қилиб ўйнади.

Каримов мамлакатни қандай қилиб иқтисодий ривожлантириш йўлини билмади деганлар янглишади. У буни жуда яхши билгани ҳолда, тараққиёт тарафдори, ўзбек халқининг миллий қаҳрамони никоҳи остида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига қарши курашди.

Каримов бу ишни ўз чўнтагини ва атрофидаги бир ҳовуч ҳаромхўрларнинг чўнтагини қаппайтириш учун қилди. Чунки унинг учун халқ ғамидан кўра чўнтак ғами доимо муҳим бўлган.

Спектаклларнинг ёзилмаган сценарийларига кўра парламентда ўтирган миллат вакиллари ҳам, Каримов билан бирга ишлайдиган ҳукумат аъзолари ҳам ёзилмаган бу сценарийларнинг мақсадини хушёрлик билан сезишлари, бу мақсадни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт эди.

Роллар катта маҳорат билан ижро этилгани сабаб спектакллардаги ёлғонлар жуда ишонарли чиқар, уни тамоша қилаётган "халқ" эса, таъсирланиб, кўзда ёш билан Каримовнинг "миллий қаҳрамон"имиз эканига, унинг атрофидагилар эса иқтисодий тараққиёт душмани эканига ишониб алданадилар.

Агар Каримов чиндан ҳам ривожланиш тарафдори

миллионлик маош бўлса, бир-икки марта кафега ва кинотеатрга бориш ҳам мумкин.

Аммо пенсияси 600 мингдан кам бўлган ёлғиз қариялар нима қилсин. Бунақалар Тошкентда аксариятни ташкил қилади. Бундан ташқари, кексаликда барибир сарфланадиган дори-дармон харажатини ҳисобга олмадик. Одатда айнан пенсионерлар коммунал хизматлардан қарздор бўлмайди, демак озик-овқат ва гигиена воситаларидан пул тежаш керак.

Республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида яшайдиганларнинг аҳволи бундан ҳам оғир, чунки у ерларда даромад даражаси

"Миллий қаҳрамоннинг" иқтисод соҳасидаги найранглари

бўлса, нега унинг раҳбарлиги остида Ўзбекистон иқтисодий ривожланмай, аксинча, дунёни мардикорлар ва фоҳишалар билан таъминлаётган қоқоқ бир мамлакатга айланди?!

Ёки, чиндан ҳам бу фожеанинг сабабчиси Каримовнинг атрофдагиларми?! Спектаклларда ҳар ким ўз ролини маҳорат билан ижро этгани сабаб, унинг тагидаги ёлғонларни фош этадиган мисоллар келтириш мушкул иш.

Лекин, "касални яширсанг иситмаси ошкор этади" деган нақлга амал қилиб изланиш оқибатида муҳолифат нашрлари архивидан кўплаб мисоллар топдим.

Бу мисолларнинг энг яққоли, "ЭРК" газетасининг 1999-йил, 127-сонида чоп этилган Озодбек Туронзоданинг "Афандининг мушуги" номли мақоласидаги бир лавҳа бўлди. Бу лавҳанинг қисқача мазмуни шундай:

Ўзбекистон Парламентининг 1998-йиллик ҳисобот мажлисида Каримов эҳтирос билан нутқ сўзламоқда: "Хой барака топгурлар! Яхши биласизларку, ер хусусийлаштирилмагунича Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт бўлмаслигини. Бу ерларнинг асил эгалари дехқонларку! Биз қачон берамиз ахир ерни ҳақиқий ўз эгаларига?! Бундай зарур ишни қачонгача пайсалга соламиз, барака топгурлар?!..."

Каримовнинг бундай эҳтиросли

пойтахтаникдан паст. Улар ун ва ёрмаларни килолаб эмас, қолаб сотиб олишади, шунда буларнинг нархи 20-30 фоиз арзонроқ бўлади. Аммо аксарияти гўштни фақат байрамларда ейишади, қанд ва конфетларни эса меҳмонлар учун сақлашади.

"Фарғона" муҳбири бир-икки йил олдин Самарқанд вилоятидаги кўп фарзандли бир оилага меҳмон бўлиб борган.

У ерда шўрва беришган, шўрванинг таркибида қўй суягидан рагу, гуруч оқшоғи, пиёз, сабзи ва ёғли бўлиши учун пахта ёғи. Нонни ўзлари ёпишган эди...

Манба: "Фарғона" АА

сўзларини эшитган ҳар қандай одам, у иқтисодий ривожланиш учун ерни хусусийлаштириш тарафдори, парламентдаги бюрократлар эса бунга тиш-тирноғи билан қарши экан, деган хулосага келмай иложи йўқ.

Аслида эса, хусусийлаштиришга тиш-тирноғи билан қарши одам Каримовнинг ўзи.

Бу ўринда эса у "халқ"ни навбатдаги ёлғонларга ишонтириш учун миллий қаҳрамон ролини ўйнаётгани холос.

Ёзилмаган сценарийга кўра, навбатдаги сўзга чиқувчилар хушёрлик билан ўз вазифаларини англаб, хусусийлаштиришга қарши одамлар ролини ўрнига қўйиб ижро этишлари керак эди.

Лекин, телевидения орқали тўғридан-тўғри мажлислар залидан олиб кўрсатилаётган бу мажлисда бир миллат вакили "қовун тушириб қўйди".

Каримов сўзларидан таъсирланиб кетган бу миллат вакил навбат кутмай, минбар томон йўналиб, хаяжон билан Каримовни "қўллаб-қувватлаб" -деди:

"Президентимиз жуда долзарб, мутлақо пайсалга солиб бўлмайдиган муҳим масалани кўтардилар. Келинлар, бу долзарб масалани ҳозирок, мана шу мажлисдаёқ ҳал қилиб, ерни хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул қилайлик!..."

Каримов вахшийларча бўкириб ўрнидан турди. Қўлини бигиз қилиб, бу ўз вазифасини англамаган "қалтафаҳм" миллат вакилини аввал минбардан, кейин миллатвакилликдан, кейин эса

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мамлакатдан ҳайдаш учун у томон шиддатла юрар экан, деди. "Ҳой!!!... Ҳой!!!... мен бу масалани ҳозир, шу топда ҳал қилайлик деганим йўқ! Палапартишлик билан ҳозир ҳал қилинса биласизларми нима бўлади?!"

Эртага бўлиб берилган ерни талашиб, ака-укани, бола-отани

ўлдирди!!!...

Биз бу масалани бирданига эмас, қаттиқ назорат остида, босқичма-босқич амалга оширишимиз керак".

Кўриб турибмизки орадан 18 йил ўтса ҳамки, бу масала амалга ошгани йўқ.

Чунки бу каби спектакллар ерни хусусийлаштириш, мамлакат иқтисодини ривожлантириш учун эмас, халқни алдаш учун эди.

"Халқ" алданди.

Кейинчалик эса парламент "ковун тушириб қўядиган"лардан тозаланди.

"Халқ"нинг ҳақиқатни илғаш имконияти торайиб, Каримовнинг миллий қаҳрамон ролини муваффақиятли ўйнаш имкони кенгайди.

(Давоми бор)

Шоакбар Шораҳимов

Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати бундан буёғига Кремл чизган чизиқдан юришини БМТдаги овоз бериш жараёнида очиқча намойиш қилди.

2016 йил 15 ноябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитасида "Қрим Автоном Республикаси ва Севастопол шаҳрида инсон ҳуқуқларининг аҳволи" резолюцияси бўйича овоз бериш жараёни ўтказилди. Ҳужжатда Россия Қримни босиб олган оккупант давлатлиги, Қрим Украинага қайтариб берилиши лозимлиги, ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миссияси вакиллари, ҳамда бошқа халқаро ҳуқуқбонлик ташкилотларига Қримда мониторинг ўтказишга рухсат бериш кераклиги таъкидланган. Овоз бериш жараёнида ушбу резолюция қабул қилиниши учун 73 давлат овоз берди, 23 давлат қарши чиқди ва яна 76 давлат бетарафлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ана шу 23 давлат қаторида бу резолюцияга қарши овоз бериб, "Қрим Россиянинг ҳудуди, Россия босқинчи эмас, Қримда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мониторинг ўтказишнинг кераги йўқ", деган позицияни билдирди.

Ўзбекистондан ташқари Эрон, Сурия, Ҳиндистон, Хитой, Шимолий Корея, Зимбабве, Эритрея, Камбоджа, Қозоғистон, Бурунди ва бошқа россияпараст ҳамда мустабид давлатлар ҳам Кремл ҳатти-ҳаракатларини оқлаб овоз беришган.

Қрим юзасидан овоз беришга қўйилган резолюцияга 23 давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам қарши овоз берганига қарамасдан мазкур ҳужжат 73 давлатнинг ижобий овозлари эвазига қабул қилинди. БМТга аъзо мамлакатларнинг кўпчилиги Украина ва Қрим фойдасига овоз берди. Бу ҳужжатга қарши овоз берганлар ҳеч нарсага эриша олишмади, Россия ҳукуматининг малайлари эканлигини курсатишди холос.



Мирзиёев ҳукуматининг кремларастлиги очиқ тус олди

Украинадаги "Da Vinci AG" таҳлил гуруҳи "Мазкур давлатлар нима сабабдан Украинага қарши ҳамда Россия фойдасига овоз берган?" - деган саволга жавоб бераётиб, ушбу рўйхатдаги 23 давлатдан кўпчилиги Россияга иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва криминал (мафия) томондан боғлиқлигини эътироф қилган. Масалан, Ангола давлати у ердаги сиёсий режим Россиянинг сиёсий ва ҳарбий ёрдами туфайли иқтидорда қолаётганлиги, Боливия эса Россияга сўл ташкилотлар орқали боғлиқлиги ҳақида ёзилган.

"Ўзбекистон нега Кремл фойдасига овоз берди?" - деган саволга "Da Vinci AG" таҳлил гуруҳи: "ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ [ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – УХХ] ҚАЛИН АЛОҚАЛАРИ БИЛАН РОССИЯГА ҚАРАМ", деган маънода жавоб берган (<https://informnapalm.org/29883-oon-prinyala-rezolyutsiyu/>). Шу йил сентябр ойи охирида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида "Ислом Каримовнинг "табиий" ўлими қандай ташкил қилинди?" сарлавҳали мақоласи (<http://uzxalqharakati.com/archives/37637>) билан навбатдаги маротаба чиқиш қилган аноним сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров республика президенти вазифасини бажарувчи Шавкат

Мирзиёев россиялик олигархларга қариндошлик алоқалари билан боғлиқлиги ҳамда шу алоқалари орқали Кремлга қарам эканлиги ҳақида маълумотлар бериб, Шавкат Мирзиёев бундан буёғига Кремлнинг югурдаги вазифасини бажаришини ҳамда Ўзбекистонни яна Россиянинг мустамлакасига айлантиришини таҳмин қилган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ ўзининг "Энди бироз ёмон бўлайлик" сарлавҳали мақоласида (<http://uzxalqharakati.com/archives/38729>) бу ҳолатга: "Путиннинг 2016 йил 6 сентябр куни Самарқандда ўзбек диктаторининг мазорига қўйган гулчамбари, аслида, бир ўлка Мустақиллиги мазорига қўйилган гулчамбардир", - деган эди. Бу эътироф ва таҳминлар тўғри бўлиб чиқмоқда.

Ислом Каримов даврида Украина ҳамда Қрим фойдасига овоз ва баёнотлар бериб келаётган Ўзбекистон ҳукумати тепасига КГБ (ФСБ) разведчиги, ўзбек махсус хизматлари раиси "Рустам Иноятовнинг одами" тамғаси остида келган Шавкат Мирзиёев халқаро майдонда Россия фойдасига иш қилишни очиқча бошлаб юборди.

**Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
ахборот-таҳлил бўлими**



“МИЛЛАТНИ ОЁҚҚА ТУРҒИЗИШ КЕРАК!”

Ўзбекистон президентининг сайлови яқинлашмоқда. Айрим кузатувчилар бош номзод – Шавкат Мирзиёевнинг сайловдан олдинги ваъдаларидан хурсанд бўлмоқда. Бошқаларнинг нолишича, ҳокимият алмашиши яна конституцияга хилоф равишда бўлмоқда, тахтга барча “альтернатив” номзодлар эса қўғирчоқ, узурпатор қўлидаги ўйинчокдан бошқа нарса эмас. Шу билан бирга, номзодлар дастурларида энг асосий масала ҳақида гап йўқ – дейди ишонч билан Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳакназаров.

“Ҳурматли жаноб номзодлар!

Мен Ўзбекистон президентини лавозимига сайлов олди дастурларингиз билан қисқача танишиб чиқдим. Уларда ҳақиқатан янги гап кўрмадим.

Каримовнинг китоб ва мақолаларидаги асосий фикрлар ва мазмунлар ўзгартириб берилмоқда. Ўша-ўша гаплар, қонун устуворлиги, бозор иқтисодига ўтишда давлатнинг етакчи роли, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳақида, халқнинг фаровон яшаши, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, турли ҳарбий блоklarда қатнашмаслик ва ҳоказо. Аммо ижобий ҳал қилинган тақдирда Ўзбекистонни ХХI асрга яқинлаштирадиган энг асосий масала ҳақида сўз очишга ҳеч бирингиз журъат қилмагансиз. Бу – пахта далаларидаги мажбурий меҳнат масаласи.

Бу шаклдаги меҳнатдан фойдаланиш оқибатида мамлакат

феодал қулдорчилик тузumi даврига қайтиб қолмоқда, бунинг устига бу нарса Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки меҳнатнинг бу шаклини жорий этаётган ҳар қандай расмий шахс, умумий таълим мактабининг директори, ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи раҳбарлари, МХХдан тортиб, ҳуқуқат вакилларигача бўлган ҳар қандай амалдор давлатнинг вакилидир. Демак, уларнинг умуминсоний кадриятлар ҳақидаги тушунчаси, ақли, онги феодал қулдорлик тузumi даражасида қолган. Шунинг учун пахта далалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларида вояга етмаганларнинг ишлашини тақиқлайдиган буйруқ чиқариб, ўзини ўзбек халқи ва жаҳон ҳамжамияти олдида оппоқ қилиб кўрсатган билан, ўзларининг қулдорлигини яшира олишмайди.

Пахта ҳосилининг яхши бўлиши мамлакат иқтисоди ва мудофаа қобилияти учун қанчалик муҳимлигини яхши тушунаман. Аммо ҳосилнинг ҳосилдан фарқи бор. Ҳосил эркин меҳнатдан келиши мумкин ёки эркин бўлмаган меҳнатдан келиши мумкин. Ўзбекистонда эркин эмас. Далага юз минглаб, балки миллионлаб мактаб ва коллеж ўқувчилари, талабалар, тиббий, маданий, давлат ва транспорт муассасалари ходимлари чиқарилади. Бундан қанча ёшлар билим ола олмаётгани, шифокор ёки амалдорнинг иш жойида эмаслигидан одамлар қандай жабр чекишини ёлғонсиз, ростакамига кўрсатадиган давлат статистикаси борми?

Бугунги кунда олийгоҳ битирувчиси 4-синф учун диктантни ёза олмаслиги, консерватория талабаси мусика назарияси уёқда турсин, ноталарни билмаслиги, врач беморга тўғри ташхис қўя олмаслиги ва ҳоказолар меъёрий ҳолат бўлиб қолди. Бундай салбий ҳолатларнинг асосий сабаби бу ўқиш даврида вақтни қишлоқ хўжалиги ишларига сарфлаш оқибатида керакли билимларни олмасликдadir.

Энди бу муаммога бошқа тарафдан қарайлик. Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон дунёда пахта етиштирадиган ягона мамлакат эмас. Бошқа жойларда қанақа? Аниқ биламан, икки асрдан ошдики, Америкада оқ танлилар бойиши учун қора танлилар пахта плантацияларида елкаси яғир бўлмайди (Википедия: АКШда 1861—1865 йиллардаги фуқаролик уруши тугаши ва 1865 йил декабрида конституцияга ўн учинчи тузатиш киритилганидан сўнг қулдорлик бекор қилинган. Ундан кейин шериклик кенг ёйилиб, озод фермерлар – африка-америкаликлар ва оқ танли фермерлар шерикчилик асосида бойларнинг плантацияларида ишлаган. – “Фарғона” изоҳи). Ҳиндистон, Миср ва бошқа мамлакатларда ҳам аҳвол шунақа.

Нимага Ўзбекистонда меҳнатнинг бу шакли ҳукм суришда давом этмоқда? Ахир бу бутун дунё олдида шармандалиқдан ташқари, давлат уни ташкиллаштиришга қатта маблағ сарфлайди-ку. Машини сақлаб қолган ҳолда одамларни вақтинчалик касбий вазифаларини бажаришдан тўхтатиш, далада овқатланиш, тунги ётоқ, пахтакорларни уёқ-буёққа ташишга юзлаб автобусларни ташкиллаштириш... Бу харажатларни кимдир ҳисоблайдими?

Бу вазиятдан чиқиш йўли борми? Менимча, бор. Ўзбекистонда хўжалик юртишнинг бозор йўлига ўтиш эълон қилинганига анча бўлди. Жумладан, собиқ колхозлар ери фермерларга бўлиб берилди. Менимча фермерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, аввало пахтани етиштиришда тўлиқ эркинлик бериш керак. Хўжаликни ўзлари юритсин, ишчиларни жалб қилиб, меҳнатига пул тўлашсин. Маданияти ривожланган барча мамлакатларда хўжалик шундай

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

юритилади. Менимча фақат шу йўл билан феодал тузумдан XXI асрга ўтиш мумкин.

Номзодлар ўз дастурларига эҳтиёткорлик билан четлаб ўтадиган кейинги мавзу – бу фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи бўлган сўз эркинлиги, ўз фикрини ифода этиш эркинлиги, турли сиёсий партиялар яратиш ва уларда иштирок этиш, йиғилиш, пикет, намоишларда қатнашиш ва ҳоказолар. Марҳум президент ўз республикаси фуқароларини шафқатсизлик билан бу ҳуқуқлардан маҳрум қилган. Ҳақиқий муҳолиф бўлган “Бирлик” халқ ҳаракати, “Эрк” партияси ўрнига унинг буйруғи билан шошилиш тарзда тўртта ўйинчоқ партия тузилди, уларнинг асосий вазифаси Ислом Каримов шахсини улуглаш эди. Бундай дискриминацион сиёсатнинг давоми сифатида марҳум президент фуқароларнинг ўз республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлашга ҳуқуқидан маҳрум қилди. Унинг ўзбек муҳожирлари ҳақидаги фикри эса ўз миллатини менсимаслигига мисол бўлди.

Миллионлаб ёш ўзбеклар ўз қишлоғида очдан ўлмаслик учун Россия, Қозоғистон бўйлаб ҳар қандай ишни қидириб юрибди. Улар бу мамлакатлар ижтимоий поғонасида энг паст, маргинал даражада туради. Уларнинг таҳқирлашади, калтаклашади, ўлдиришади. Улар мослаша олмайди, чунки ўқимаган, ривожланмаган, дунёқараши тор, чунки мактаб йилларининг ярмини пахта даласида ўтказган. Кейин ўз фуқаро-муҳожирларининг ҳаётини енгиллаштириш учун Россия ва Қозоғистон раҳбарлари билан гаплашиш ўрнига марҳум президент уларни дангаса деб аташдан бошқа нарсани ўйлаб тополмади. Ўз ватандошларини очиқ ҳақорат қилгани учун худонинг ўзи ҳукм чиқарсин, ахир одамлар унинг айби билан шу аҳволга тушган. Унга яхши одам сифатида ҳеч қачон ёдгорлик қўймаган бўлардим.

Золим ҳукмдор сифатида қўйиш мумкин. Унинг қўли қонга ботган, у сабабли ўзбек халқи ҳали ҳам ҳуқуқат олдида кўркув билан яшайди. Унинг оила аъзолари ҳам жиноятчи, унинг номини пеш қилиб, Америкада, Европа мамлакатларида қошоналар ва ер участкалари сотиб олишган. Ўта

йирик миқдордаги фирибгарлик учун уларни халқаро судларда суд қилишмоқчи. Ўзбекистонда эса уларнинг отасига қандайдир ёдгорлик ўрнатмоқчимиз.

Жаноблар, агар халқни озгина бўлса ҳам хурмат қилсангиз, бундай қилманг.

Жаноб номзодлар, агар сизларга Ўрта Осиёдаги энг кўп сонли бўлгани билан ўзбек халқи энг эзилган, қолоқ ҳолатдалигини айтсам, менга ишонмаслигингиз мумкин. Аммо бу ҳақиқат. Деярли 60 йиллик чор ҳуқуқатининг амалдорлари ҳукмдорлиги, 70 йиллик большевистлар мафқураси исканжаси, 25 йиллик Каримов режими халқимизни тилсиз тўдага айлангириб қўйди. Черняев, Скобелев, Кауфман каби чор генераллари туб жойиларни минглаб оттирган, осган. Уларнинг ўрнига большевиклар мафқураси келди, икки марта алифбо ўзгартирилди, миллатни манқуртга айлангириш мақсадида ҳаракат қилинди. Большевиклар мафқурасини акс эттирган кишилар ўз юрти ҳимоячиларини босмачилар деб атади, аслида уларнинг ўзлари шунақа эди. Уларнинг ўзлари бегона юртларга бостириб кириб, бегуноҳ одамларни ўлдирган. Улар уйдан араб алифбосидаги китоб топилган одамни ўлдиришган. Улар ўқимишли ўзбекларни шафқатсизларча ўлдириб, уларнинг ўрнига Охунбобоев каби ўқимаган одамларни қўйишган. Улар пахтақуллар авлодини етиштиришди, еримизни, дарё ва кўлларимизни турли “бутефослар” (дефолиант тури) билан заҳарлашди. Каримов большевикларнинг пахтақулчилик сиёсатини давом эттирди. У “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” сиёсий партияси қиёфасида уйғонаётган миллий ўзликни англаш учқунларини жисмоний жиҳатдан йўқ қилди.

Менинг фикримча, мамлакат ва халқ ҳаётида зудлик билан ечиш керак бўлган айрим муаммолар шулардан иборат. Аммо афсуски, булар сизнинг дастурларингиздан ўрин олмаган. Тиз чўккан миллатни турғизиш керак. Одамларга 150 йилдан бери турли колониализм ва деспотизм шакллари билан нобуд қилинган шахсий ва миллий кадр-қимматни қайтариш керак”.

Зоҳид Ҳақназаров, Ўзбекистон халқ артисти, профессор
Манба: “Фаргона” АА



Ўзбекистон Интернет эркинлиги чекланган давлатлар сирасига киритилди

Интернет ва медиа соҳаси Ўзбекистонда дунёда энг кескин назорат қилинадиган давлатдир. «Freedom House» ҳар йили ўтказадиган Дунё бўйича Интернет эркинликлари даражаси юзасидан чуқурлаштирилган тадқиқотига кўра ҳисоботида асосланиб шундай хулосага келиш мумкин.

Яқинда эълон қилинган ҳисобот интернетдаги эркинликларнинг пасайиб бораётгани ва айни пайтда онлайн фаолликнинг ошаётгани умумий тенденциясини тасдиқлайди. Тадқиқот учта ҳолатга асосланади: ахборотга тўсиқлар, контентларнинг чекланиши ва фойдаланувчилар ҳуқуқининг бузилиши. Бу ҳолатларнинг ҳар бири бўйича мамлакатлар баҳоланади, баҳолар сони қанча кам бўлса, вазият шунчалар эркин, пунктлар сонининг кўплиги эса эркинлик муҳитининг шу қадар камлигини англайди.

Ҳисоботда ўрганилган 65 мамлакат орасида, 100 та пунктдан 79 тасини олган Ўзбекистон кам эркинликларга эга деб топилган. Ўтган йилларда ҳам назоратнинг юқорилиги, кўплаб халқаро ахборот сайтларининг тўсиб қўйилгани ва ҳуқуқат танқидини ўз ичига олган контент муаллифларининг узоқ муддат қамоқларга ташлангани учун ёмон рейтинглар қозониб келган.

Бу йилги ҳисоботда, овозли IP-телефония, жумладан Skype, WhatsApp ва Viber хизматининг тақиқлангани, шунингдек, «жамоат тартибини оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникацион тармоқлар орқали бузиш» каби ноқонкрет жиноят учун жазонинг кучайтирилгани каби ҳолатлар кузатилди. Ҳисоботда бу ҳолат, воқеаларни онлайнда танқидий

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



ёритишга бўлган тўсқинлик дея баҳоланган.

Тадқиқотда, жумладан Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми 2015 йили Интернетга эга бўлгани, асосан хизмат нархининг юқорилиги, кенг поласали тармоқдаги тезликнинг пастлиги, маълумотлар узатиш ҳажмининг чеклангани ва инфратизилма устидан давлат назоратининг кучли назорати қайд этилган.

Ҳисоботга кўра, интернет-коммуникацияси Ўзбекистон ҳукумати томонидан назорат қилинади ва бошқарилади.

У «мустақил ахборот ва ички ва ташқи муносабатлар ёки инсон ҳуқуқларига алоқадор режимни танкид қилувчи ҳар қандай контентга ҳар жойда ва систематик тўсиқ қўйиш билан шуғулланади».

Ҳисоботда шунингдек, ўзбек ҳукуматининг қўрқитиш усулларини қўллаб мустақил журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларини жим бўлишга мажбурлаш, «уйдирилган айбловларга асосланган» зўронлик ва жиноий таъқиблар амалиёти қайд этилган. Шу муносабат билан, доимий қамоқ таҳдиди ва қўрқитиш кампанияси натижасида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган Дмитрий Тихонов эсланади.

Келгусидаги истиқбол юзасидан, тадқиқот ижобий ўзгаришлар бўлишидан дарак бермади: 2016 йилнинг сентябрида Президент Каримов ўлимидан сўнг, унинг ўрнига келган Шавкат Мирзиёев Каримов сиёсатини давом эттиришга ваъда берди, бу дегани, «интернетдаги эркинликлар яхшиланиши даргумон» эканини аниглади. Ҳисоботнинг инглиз тилидаги тўлиқ версияси: [https://freedomhouse.org/report/freedom-net-2016](https://freedomhouse.org/report/freedom-net/freedom-net-2016)

Тадқиқотнинг Ўзбекистонга тааллуқли қисми инглиз тилида: <https://freedomhouse.org/report/freedom-net/2016/uzbekistan>

Манба: eltuz.com



Уйғур диаспораси Абдулқодир Япчаннинг Қозоғистонга топширилишига қатъиян қарши чиқмоқда

Абдулқодир Япчаннинг Хитойга экстрадиция қилинишига муқобил вариант сифатида Қозоғистон, Қирғизистон каби Туркистон Жумҳуриятларига топшириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Аммо уйғур диаспораси Япчаннинг Қозоғистонга топширилишига қатъиян қаршилар, чунки Қозоғистон кўп ҳолатларда қочқинларни Хитойга қайтариши маълумдир.

15 йилдан буён Туркияда қочоқ мақомида яшаган уйғур туркларининг жамоат арбоби бўлган Абдулқодир Япчан Хитойга экстрадиция қилиниши мумкин. Хитой ҳукуматининг “қизил бюллетен” қарорини янгилаши ортидан ҳибсга олинган ва 40 кундан буйича Истанбулдаги Молтепа қамоқхонасида ҳибсда қолган Япчан, эътирознома билдирилгач суд қарори билан озод қилинган эди. Туркия Иммиграция идораси бош бошқармаси Япчан озод этилган кунни уни назоратга олиш ҳақида қарор чиқарди. Эндиликда Япчан Қирқларэлида Хитойга топширилиш учун ушлаб турилмоқда.

Ҳозирда Хавфсизлик хизмати назоратида яшамоқда

Япчан Туркияга келишидан аввал ўз мамлакатида вақти 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди ва бу жазони ўтади. 1996 йилда мамлакатни тарк этиб, Покистон орқали Туркистон жумҳуриятларига ўтган Япчан, 2001 йил 11 сентябр кунидида эгизак биноларга уюштирилган ҳужумдан сўнг Хитой тарафидан террорчи дея айблангач Туркиядан бошпана сўради.

Сургундаги ҳукумат ўз қайғусини баён қилди

Шарқий Туркистоннинг сургундаги ҳукумати Япчаннинг топширилиши қарори ортидан Истанбулда махсус йиғилиш ўтказди. Экстрадиция қарорининг уйғур туркларига қайғу ва хавотир туғдирганлигини ифода этган баёнотида, “Пекин ҳукуматининг 15 йилдан сўнг янгида ҳозирлаган “қизил бюллетен” билан экстрадиция қилинишини талаб қилган Шарқий Туркистонлик диний олим ва жамоат арбоби Абдулқодир Япчан ҳақидаги “айирмачи ва террорчи” деган айблови бутунлай тўхматдан иборатдир, ҳақиқатни акс эттирмайди” дея таъкидлаган.

Муқобил вариантлар изланмоқда

Абдулқодир Япчаннинг Хитойга экстрадиция қилинишига муқобил вариант сифатида Қозоғистон, Қирғизистон каби Туркистон Жумҳуриятларига топшириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

Аммо уйғур диаспораси Япчаннинг Қозоғистонга топширилишига қатъиян қаршилар, чунки Қозоғистон кўп ҳолатларда қочқинларни Хитойга қайтариши маълумдир.

Уйғурлар Япчаннинг БМТ Олий Комиссарлиги назорати остида Албания, Косово, Македония, Босния-Герцеговина, Норвегия ёки Канада ва Япония каби давлатларга топширилишини исташмоқда.

УХХ хабарлар бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов